

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 331.5: 658 (575.1)*

**Файзуллаева Сожида Фарходовна**

**БАНК ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5A230110 - “Демография. Меҳнат иқтисодиёти” мутахассислиги

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: доц. Бакиева И.А.**

**ТОШКЕНТ – 2018**

Диссертацияда корхона ва ташкилотда меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий иқтисодий моҳияти кўрсатиб берилган ва ходимлар меҳнатини ташкил этиш тизими ва усурлари ўрганилиб, банк ходимлари меҳнатини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. АТ "Ипотека" банк Жиззах филиалида ходимлар меҳнатини салоҳияти таҳлил қилиниб, банкда меҳнатни ташкил қилинганлик даражаси аниқланган. Тижорат банкларида ходимлар меҳнатини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари ҳамда хорижий мамлакатларда меҳнатни ташкил қилиш тажрибалари ўрганилиб яқуний хулоса ва таклифлар берилган.

Dissertation shows the social and economic essence of the organization of work in the enterprise and organization and examines the systems and methods of the organization of labor, and discloses the features of the organization of bank workers. An analysis of the potential of human resources in the Jizzax branch of AK "Ipoteka" bank has been analyzed. The ways of improving the organization of work of employees in commercial banks, as well as work experience in foreign countries are studied and final conclusions and recommendations are given.

Магистрлик диссертация иши «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ 1 - сонли баённома « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

Илмий раҳбар: И. Ғафурова \_\_\_\_\_  
(илмий раҳбар и.ш.ф.) имзо сана

Такризчи: Шарифов \_\_\_\_\_  
(такризчи и.ш.ф.) имзо сана

Магистрант: Ғайзуллоева С. \_\_\_\_\_  
(магистрант и.ш.ф.) имзо сана

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА БАНК ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>8</b>
1.1. Меҳнатни ташкил этишнинг мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	9
1.2. Тижорат банкларида ходимлар меҳнатини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	18
1.3. Ходимлар меҳнатини ташкил этилганлик ҳолатини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.....	24
I боб бўйича хулоса.....	27
<b>II БОБ. “ИПОТЕКА” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ</b> .....	<b>29</b>
2.1. АТБ “Ипотека” Жиззах филиали миссияси, ходимлар таркиби ва салоҳиятининг умумий тавсифи.....	29
2.2. Банк ходимлари меҳнатини ташкил этилганлик ҳолатини таҳлили.....	42
2.3. Банк ходимлари иш ҳақи тизимини ташкил этиш ҳолати.....	52
II боб бўйича хулоса.....	66
<b>III БОБ. «ИПОТЕКА» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНК ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> .....	<b>67</b>
3.1. Банк ходимлари меҳнатини ташкил этишда кадрлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш.....	67
3.2. Банкда меҳнатни ташкил этишни бошқариш ва уни такомиллаштириш.....	73
3.3. Банк ходимлари меҳнатини ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	76
III боб бўйича хулоса.....	84
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>88</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>86</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Банклар – бозор тузилмаси тизимидаги марказий бўғинлардан биридир. Уларнинг ривожланиши бозор механизмларини ташкил этишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банклар турли хил функцияларни бажариб, ўзаро ҳамда хўжалик фаолиятининг турли субъектлари билан мураккаб мулоқотга киришадилар. Ҳозирги кунда дунёнинг бирор ривожланган мамлакатини банкларнинг кенг тармоғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан банкларнинг ҳиссасига инфляция билан курашиш ҳамда иқтисодий ўсиш учун қулай шароитлар яратиш тўғри келиши умумтан олинган.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида банк-молия тизими жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагилар кайд этилган: “Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур”<sup>1</sup>.

Банк мутахассислари меҳнатининг мазмуни меҳнат функцияларини бажариш регламентациясининг юқори даражаси билан фарқ қилади. Молия ресурслари бозоридаги молиявий воситачилик роли банк ходимидан бозорда ўз ўрнини эгаллаш ва сақлаб қолишнинг янги усулларини излашни талаб

---

<sup>1</sup> <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017.